

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг
2025 йил 21 июлдаги БР-24-сон буйруғидан**

К Ў Ч И Р М А

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тизимида
коррупциявий хатти-ҳаракатлар ва одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш
ҳолатлари устидан хизмат текширувларини ўтказиш бўйича
Регламентни тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 8 августдаги “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 788-сонли Қонуни, Меҳнат кодекси, 2017 йил 3 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги” Ўзбекистон Республикасининг 419-сонли Қонуни, коррупцияга қарши курашиш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг бажарилишини таъминлаш, ваколатли давлат органлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, Ташқи ишлар вазирлиги тизимида ходим томондан интизомий қилмиш содир этилган фактлар бўйича иш юритишни ташкил этиш, интизомий қилмиш содир этилишини келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш, етказилган зарарни қоплаш ва хизмат текширувини ҳолис ва миллий қонунчилик талабларига мувофиқ равишда ташкил этиш мақсадида

Б У Ю Р А М А Н:

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тизимида коррупциявий хатти-ҳаракатлар ва одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан хизмат текширувларини ўтказиш бўйича Регламент (*кейинги ўринларда – Регламент*) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2 Ташқи ишлар вазирлиги тизимига кирувчи барча таркибий бўлинмалар ва бўйсунувдаги ташкилотлар:

мазкур Регламент талабларини бажариш ва иш фаолиятида уларга қатъий риоя этилишини;

хизмат текшируви натижаларини талаб даражасида шакллантирилишини, ходимларнинг хатти-ҳаракатлари ва масъулияти ҳолисона кўриб чиқилиши ва баҳоланишини;

хизмат текшируви натижалари бўйича қабул қилинган қарор, кўрсатилган тавсиялар ва белгиланган тадбирлар ижро этилишини таъминласин.

3. Ташқи ишлар вазирлиги Комплаенс назорати бўйича бош мутахассис Дж.Сагдуллаев тегишли бўлинмалар билан биргаликда:

мазкур Регламентни расмий вэб-сайт ва ички электрон ҳужжатлар алмашинуви тизими базасига очик ҳолда жойлаштирсин;

Ўзбекистон Республикасининг “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Қонун талабларига мувофиқ, хизмат текшируви доирасида фойдаланилган маълумотлар ошкор этилмаслиги ва тарқаб кетишининг олдини олиш мақсадида хизмат текшируви далолатномалари ва хизмат текширувига оид бошқа ҳужжатлар билан танишиш, улардан нусха олиш мазкур ҳужжат билан белгиланган тартибда Вазирлик раҳбарияти рухсати билан амалга оширилишини назоратга олсин;

ўтказилган хизмат текширувлари далолатномасига “хизмат доирасида фойдаланиш учун” грифи берилишини инобатга олсин ва ваколат расмийлаштирилмаган шахсларга берилмаслигини назорат қилсин;

Кадрлар ва таълим муассасалари бошқармаси ва Ички хавфсизлик хизмати фаолиятидан келиб чиқиб, мазкур бўлинмалар билан ўзаро ҳамкорлик ва вазифалар тақсимотини амалга оширсин.

4. Хизмат текширувлари ўтказилиши муносабати билан тузиладиган ишчи гуруҳ фаолиятига жалб этиладиган раҳбар ва масъул ходимлар иш жараёнида зиммасига юклатилган вазифаларни масъулият ва виждонан бажарилишини, шахсий манфаат ва адоватга йўл қўйилмаслиги, ишчи гуруҳ фаолиятида қатнашишига тўсқинлик қилувчи омиллар хусусида барвақт хабардор қилиш учун шахсий жавобгарлик белгилаб қўйилсин.

5. Ташқи ишлар вазирлиги тизимида кирувчи ва Ўзбекистон ҳудудида фаолият юритувчи бўйсунувдаги ташкилотлар мазкур Регламент талабларини бажариш, масъул бўлинмалар ва ходимлар ўртасидаги вазифалар тақсимотини амалга ошириш ва бу борадаги уларнинг шахсий масъулиятини ўрнатилган тартибда ташкилот қарори билан белгилаб олсин, шунингдек Вазирликнинг Комплаенс назорати хизмати билан доимий алоқада бўлиш ва ўзаро маълумот алмашишни йўлга қўйсин.

6. Мазкур буйруқ талабларини бажариш ва уни назорат қилиш Комплаенс назорати бўйича бош мутахассис Дж.Сагдуллаев зиммасига юклатилсин.

Асос: 2022 йил 8 августдаги “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 788-сонли ва 2017 йил 3 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 419-сонли қонунлари.

В а з и р

Б.Саидов

**Аслига тўғри
21.07.2025й.**

Р.Султонов

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тизимида коррупциявий
хатти-ҳаракатлар ва одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан
хизмат текширувларини ўтказиш бўйича**

РЕГЛАМЕНТ

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Регламент Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги марказий аппарати ва ҳудудий бўлинмалари, бўйсунувдаги ташкилотлар (кейинги ўринларда – Дипломатик хизмат органлари) ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш ва одоб-ахлоқ қоидаларига оид қонунчилик ва ички идоравий ҳужжатлари бузилишига нисбатан хизмат текширувларини (кейинги ўринларда – хизмат текшируви) тартибини белгилайди.

2. Мазкур Регламент қуйидаги мақсадларда ишлаб чиқилган:

Дипломатик хизмат органларида хизмат текшируви ўтказишга ягона ёндашувни белгилаш;

хизмат текшируви ўтказиш жараёни ва натижаларини ҳужжатлаштириш талабларини белгилаш;

Дипломатик хизмат органларида қоидабузарликлар содир этиш, унга зиён етказишга олиб келадиган сабаб ва шартларни аниқлаш ва бартараф қилиш;

Дипломатик хизмат органларининг ички идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва назорат таомилларидаги камчиликларни аниқлаш ва келгусидаги қоидабузарликларга йўл қўймаслик мақсадида уларни бартараф қилиш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш;

Дипломатик хизмат органлари ва унинг ходимларининг қўлланилаётган қонунчилик талабларини бузганлик учун жавобгарликка тортилиши хавфини камайтириш.

3. Дипломатик хизмат органларидаги хизмат текшируви қуйидаги тамойиллар асосида ўтказилади:

қонунийлик;

Дипломатик хизмат органлари ходимларининг ҳуқуқ, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя қилиш;

фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларинини таъминлаш ва ҳимоя қилиш;

хизмат текшируви ўтказишда олинган ахборот ва материалларнинг сир сақланиши;

Дипломатик хизмат органлари ходимлари томонидан хизмат текшируви ўтказишдаги шаффофлик, ҳалоллик, коллегиялик, бетарафлик ва ҳолислик;

хизмат текшируви якуний ҳулосаси чиқарилгунга қадар Дипломатик хизмат органлари ходимнинг айбсизлик презумпцияси.

4. Мазкур Регламент қоидаларини талқин қилишда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

хизмат текшируви – ходим томонидан коррупциявий хатти-ҳаракатлар ва одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш билан боғлиқ интизомий қилмиш содир этилганлиги фактини, унинг содир этилишида ходимнинг айбини, ходим томонидан интизомий қилмиш содир этилишига имкон берган сабаблар ва шарт-шароитларни, Дипломатик хизмати органларига етказилиши мумкин бўлган моддий ва номоддий зарарнинг хусусияти ва миқдорини аниқлаш мақсадида амалга ошириладиган текширишдир;

ваколатли шахс – Дипломатик хизмат органлари ташкилотларида раҳбарнинг буйруғи (кўрсатмаси) асосида хизмат текширувини тайинлаш ва ўтказиш ёки меҳнат фаолияти давомида бошқа ваколатлар берилган мансабдор шахс;

бўйсунувдаги ташкилот – Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлари вазирлиги тизимига кирган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатувчи ташкилотлар ва Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари;

ходим – Дипломатик хизмат органларида меҳнат шартномаси асосида меҳнат фаолиятини олиб боровчи жисмоний шахс.

II. Хизмат текширувини ўтказиш бўйича қарор қабул қилиш

5. Хизмат текшируви Дипломатик хизмат органлари ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш ва одоб-ахлоқ қоидаларига оид қонунчилиги ва ички идоравий ҳужжатларининг бузилганлиги тўғрисидаги асосли маълумотлар мавжуд бўлганда тайинланади.

6. Бундай қарор қуйидаги манбалардан келган маълумотлар асосида қабул қилиниши мумкин:

Дипломатик хизмат органлари ходимларининг ёзма ёки оғзаки шаклдаги бевосита таркибий бўлинма раҳбари, кадрлар, комплаенс назорати ёки ички хавфсизлик учун масъул бўлган таркибий бўлинмалар, вазир ўринбосари, ташқи ишлар вазири ёки бўйсунувдаги ташкилотлар раҳбарига берган маълумоти;

жисмоний ва юридик шахсларнинг Дипломатик хизмат органларининг алоқа каналларига юборган хабарлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари;

оммавий ахборот воситаларидаги, шунингдек, ижтимоий тармоқлардаги маълумотлар;

ички аудит ва молиявий назорат бўлинмаси, шунингдек, давлат молиявий назорат органлари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг хулосалари;

ваколатли давлат бошқаруви органларининг сўровлари ва тақдимномалари;

комплаенс назорати, кадрлар сиёсати, ички хавфсизлик ва ички аудит учун масъул таркибий бўлинма назорат тадбирлари ва суриштирув натижалари;

ходим қонун ёки ҳуқуқбузарлик содир этганликда айбдорлигини тахмин қилиш мумкин бўлган асосли маълумотлар келиб тушиши;

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасаларидан олинган ёки келиб тушган маълумотлар.

7. Дипломатик хизмат органларида хизмат текширувлари қуйидаги раҳбар ёки масъул таркибий бўлинмаларнинг ташаббуслари билан бошланиши мумкин:

Ташқи ишлар вазири ва унинг ўринбосарлари;

Ташқи ишлар вазирлиги Одоб-ахлоқ комиссияси;

комплаенс назорати, кадрлар сиёсати, ички хавфсизлик ва ички аудит учун масъул бўлган шахс ёки бўлинмалар раҳбарлари;

Дипломатик хизмат органларининг бўйсунувдаги ташкилотлари раҳбарлари.

8. Дипломатик хизмат органлари фаолиятидаги хизмат текшируви предмети ва кўтарилган масаланинг иш йўналишига қараб, тегишли ташкилий чора-тадбирлар қуйидаги таркибий бўлинмалар бошчилигида ўтказилади:

коррупциявий хавф-хатарлар ва шунга оид масалалар бўйича, агар улар марказий аппарат ёки ҳудудий бўлинмалар ходимлари, шунингдек бўйсунувдаги ташкилотлар раҳбарлари ва Ўзбекистон Республикасининг ҳудудидан ташқарида фаолият юритувчи ходимларнинг ишида аниқланган бўлса – Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги комплаенс назорати ва ички хавфсизлик учун масъул таркибий бўлинмалар томонидан (бўйсунувдаги ташкилотлар ходимлари бўйича, агар улар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият юритиб келса – ушбу ташкилотларнинг комплаенс назорати, кадрлар хизмати ёки ташкилот раҳбари томонидан тайинланган ваколатли шахс);

манфаатлар тўқнашуви ва шунга оид масалалар бўйича, агар улар марказий аппарат ёки ҳудудий бўлинмалар ходимлари, шунингдек бўйсунувдаги ташкилотлар раҳбарлари ва Ўзбекистон Республикасининг ҳудудидан ташқарида фаолият юритувчи ходимларнинг ишида аниқланган бўлса – Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги комплаенс назорати, кадрлар сиёсати ва ички хавфсизлик учун масъул таркибий бўлинмалар томонидан (бўйсунувдаги ташкилотлар ходимлари бўйича, агар улар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият юритиб келса – ушбу ташкилотларнинг комплаенс назорати, кадрлар хизмати ёки ташкилот раҳбари томонидан тайинланган ваколатли шахс);

одоб-ахлоқ ва шунга оид масалалар бўйича, агар улар марказий аппарат ёки ҳудудий бўлинмалар ходимлари, шунингдек бўйсунувдаги ташкилотлар раҳбарлари ва Ўзбекистон Республикасининг ҳудудидан ташқарида фаолият юритувчи ходимларнинг ишида аниқланган бўлса – Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги кадрлар сиёсати учун масъул таркибий бўлинма томонидан (бўйсунувдаги ташкилотлар ходимлари бўйича, агар улар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият юритиб келса – ушбу ташкилотларнинг кадрлар хизмати).

9. Хизмат текширувини ўтказиш бўйича таклиф бериш ва қарор қабул қилишдан олдин масъул таркибий бўлинмалар тегишли маълумотларни тўплаш, дастлабки текширув ва таҳлилларни амалга оширадилар. Қонунбузарликка йўл қўйилган етарли асослар мавжуд бўлган тақдирда, тўлақонли хизмат текширувини ўтказиш бўйича чоралар кўрилади.

10. Хизмат текшируви ўтказиш мақсадида Дипломатик хизмат органларида ички идоравий буйруқ қабул қилинади (бўйсунувдаги ташкилотларда – ташкилот раҳбари томонидан қабул қилинган мустақил буйруқ ёки юқори турувчи ташкилотнинг буйруғи ёки кўрсатмаси асосида).

11. Хизмат текшируви ўтказиш тўғрисидаги буйрукда қуйидагилар кўрсатилади:

хизмат текширувини ўтказиш учун маъсул бўлган комиссия, унинг раҳбари ва аъзолари;

хизмат текширувини ўтказиш бўйича комиссиянинг асосий вазифалари;

хизмат текшируви предмети (мавзуси), унга асос (сабаб) бўлган омиллар ёки вазият;

хизмат текшируви ўтказишга сабаб бўлган қоидабузарликни содир этишда гумонланаётган ходим(лар), у(лар)нинг ФИШ ва лавозими;

хизмат текширувини ўтказиш ва натижаларни тақдим этиш муддати.

12. Хизмат текширувининг предмети Ўзбекистон Республикаси хориждаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасаларининг ходимлари ҳатти-ҳаракатлари бўлган тақдирда қисқа муддатли хизмат сафарига масъул ходимларни юбориш ва маълумотларни жойида тўплаш тўғрисида Ташқи ишлар вазирлигининг алоҳида буйруғи расмийлаштирилади..

III. Хизмат текшируви ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ тузиш

13. Дипломатик хизмат органларида ўтказиладиган хизмат текширувининг предметиға қараб, комиссия таркиби шакллантирилади. Иш йўналишиға қараб ва ҳолисликни таъминлаш мақсадида қуйидаги комиссиялар тузилади:

коррупцияға қарши курашиш ва коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш борасида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги (бўйсунувдаги ташкилот)нинг комиссияси. Унинг таркибига вазир ўринбосаридан бири, комплаенс назорати, кадрлар сиёсати учун масъул бўлинма, ички хавфсизлик, юридик хизмат ва бошқа таркибий бўлинмаларнинг раҳбарлари ёки тажрибали вакиллари киритилади;

одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиш ва манфаатлар тўқнашувини олдини олиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг комиссияси. Комиссия аъзолигига вазир ўринбосари, кадрлар сиёсати учун масъул бўлинма, комплаенс назорати, ички хавфсизлик бўлинмалари, юридик хизмат, бўйсунувдаги ташкилот ва бошқа таркибий бўлинмаларнинг раҳбарлари ёки тажрибали вакиллари киритилади.

14. Дипломатик хизмат органлари бўйсунувдаги ташкилотлари фаолияти юзасидан Ташқи ишлар вазирининг бевосита қарори асосида комиссия ёки ташкилот раҳбарининг бошчилигида ва унинг қарори билан хизмат текширувининг предметиға қараб ишчи комиссия тузилади. Уларнинг таркибида кадрлар сиёсати, комплаенс назорати, ички хавфсизлик, юридик хизматларнинг вакиллари бўлиши таъминланиши керак (агар ташкилот Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият юритса).

Мазкур комиссия таркибига Дипломатик хизмат органлари марказий аппаратининг масъул таркибий бўлинмалари ходимлари ҳам киритилиши мумкин, агар хизмат текширувининг предмети бевосита Ташқи ишлар вазирлиги ва бўйсунувдаги ташкилотларнинг ўзаро фаолиятиға боғлиқ ҳолатларни ўрганишни ва таҳлил этишни тақозо қилса.

15. Қуйидаги шахсларнинг хизмат текшируви комиссиялари таркибига киритилишига йўл қўйилмайди, агар улар:

хизмат текшируви ўтказилаётган ходим ва комиссия аъзоси ўртасидаги мавжуд ёки эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари юзага келса;

мурожаати ушбу хизмат текширувини ўтказишга асос бўлган ходимлар бўлса;

текширув натижаларидан бевосита ёки билвосита манфаатдор эканлиги ҳақида аниқ маълумотлар ёки гумон мавжуд бўлса;

ҳаракатлар текширилиши лозим бўлган шахслар бўйсунувидаги ходимлар бўлса;

ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходимлар бўлса;

аввалги комиссиялар таркибида масъулиятсиз ёки мақсадли равишда унинг ишига салбий таъсир кўрсатувчи фаолият тарихига эга бўлса.

IV. Хизмат текширувини ўтказиш

16. Хизмат текшируви тегишли буйруқ имзолаган санадан бошлаб 15 кун бўлган муддатда ўтказилади, агарда қарорда бошқа муддат белгиланмаган бўлса.

Объектив сабабларга кўра, мазкур муддатини узайтиришга олиб келадиган қўшимча тартиб-таомиллар (шу жумладан, ходимлар ва бошқа шахслар орасида қўшимча сўровнома ўтказиш) ўтказилиши, бошқа ташкилотлардан қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилса, комиссия раҳбари бу ҳақда Ташқи ишлар вазирини хабардор қилади ва ёзма равишда аниқ вақтни кўрсатган ҳолда муддатни яна 15 кунга узайтиришни сўрайди.

17. Хизмат текшируви вақтида текширув остидаги ходим иш жойида бўлмаса (таътил, касаллик, хизмат сафари ва бошқалар), текширув муддати бошқа вақтга бошқа даврга кўчирилади

Агар ходим 30 (ўттиз) календарь кунидан ортиқ муддат давомида иш жойида бўлмаса ёки хизмат текширувида иштирок этишдан турли усуллар билан бош тортса, хизмат текширувини ўтказишга қарор қабул қилган раҳбар билан келишган ҳолда ходимнинг иштирокисиз ўтказилиши мумкин ва ушбу ҳолат хизмат текшируви натижаларида қайд этилади.

18. Агар ходимнинг иш жойида ҳозир бўлиши хизмат текширувига ҳалақит бериши мумкин деб тахмин қилиш учун асосли сабаблар мавжуд бўлса, иш берувчи ходимни ишдан четлаштиришга (шу жумладан, ахборот тизимларидан фойдаланиш, хизмат сафарлари юбориш ва ҳок.) ҳақли.

Ходимни ишдан четлаштириш иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштирилади ва буйруқ ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходимнинг эътиборига имзо қўйдириб етказилади. Агар ходим уни ишдан четлаштириш тўғрисидаги буйруқ билан танишишни ёки бундай буйруққа имзо қўйишни рад этса, комиссия аъзолари тегишли далолатнома тузади. Иш берувчи ходимнинг талабига кўра унга ишдан четлаштириш ҳақидаги буйруқнинг тасдиқланган кўчирма нусхасини у мурожаат этган кунидан эътиборан уч кундан кечиктирмай бериши шарт. Ходимни ишдан четлаштириш муддати белгиланган хизмат текширувини ўтказиш муддатидан ошиб кетмаслиги керак.

Ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётганлиги сабабли ишдан четлаштирилган ходимга ишдан четлаштиришнинг бутун даври учун ўртача иш ҳақи сақланиб қолади.

19. Хизмат текширувининг предмети бўйсунувдаги ташкилотлар раҳбарлари ва Ўзбекистон Республикаси хориждаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасаларининг ходимлари ҳатти-ҳаракатлари бўлган тақдирда унинг асосини Ташқи ишлар вазирлигига келиб тушган дастлабки маълумотлар ташкил этади. Зарур ҳолларда, ишчи комиссия аъзолари олинган маълумотларни атрофлича ўрганиш ва суҳбатлар ўтказиш мақсадида жойига чиққан ҳолда ёки хорижий давлатларга хизмат сафарига юборилиши орқали қўшимча маълумотларни тўплайди ва бошқа комиссия аъзоларига тақдим этади.

20. Мазкур Низомнинг 16-бандида кўрсатилган хизмат текшируви муддатига комиссия аъзоларининг хорижга қисқа муддатли хизмат сафарига жўнаб кетиш ва қайтиш кунлари кирмайди.

V. Хизмат текширувини ўтказиш давомида ўрганиладиган маълумотлар

21. Хизмат текширувини ўтказиш давомида тузилган комиссия қоидабузарликка алоқадор бўлган маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва ҳужжатлаштириш ишларини амалга оширади, шу жумладан:

хизмат текшируви тайинланишига сабаб бўлган вазиятнинг асослилиги;
аниқланган ҳуқуқбузарлик (қоидабузарлик) ва уни содир этиш сабаблари;
қонунчилик ёки ички идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга хавола (бандлари билан);

ҳуқуқбузарлик (қоидабузарлик)ни содир этишда иштирок этган шахслар доираси;

етказилган моддий ва Дипломатик хизмат органлари шаънига салбий таъсир этувчи зарарнинг кўриниши ва кўлами;

ходимнинг тушунтириш ва ёзма равишдаги талабларида кўрсатилган вазият;

ҳуқуқбузарлик (қоидабузарлик)ка алоқадор бўлган бошқа маълумотлар.

22. Мазкур Регламент қоидалари ва иш тамойиллари асосида қўлга киритилган барча маълумотлар, шу жумладан конфиденциал маълумотлар комиссия томонидан Дипломатик хизмат органларининг ички идоравий ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ фойдаланилиши керак.

23. Дипломатик хизмат органлари ходимлари ёки жалб этилган бошқа шахслар билан ўтказилган суҳбат жараёни аудио ёки видео қайд қилиниши, суҳбат тўғрисида баённома тузиб борилади (аудио ёки видео қайд Хизмат текшируви материалларига қўшиб қўйилади).

Аудио ва видео қайдни амалга оширишдан олдин суҳбат ўтказилаётган шахснинг розилиги олинади. Розилик берилмаса аудио ва видео қайдни амалга оширувчи ускуналардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

24. Устидан хизмат текшируви ўтказилаётган ёки бошқа ходимнинг суҳбат ёки тушунтириш беришдан бош тортилган ҳолларда ушбу Регламентнинг **1-иловасига** мувофиқ далолатнома расмийлаштирилади.

25. Ишчи гуруҳ раҳбари мазкур ходимни далолотнома билан танишганлигини тасдиқлаш учун унга имзо қўйиши зарурлиги тўғрисида хабардор қилади. Агар ходим ҳужжатга имзо қўйишдан бош тортса, у ҳолда ишчи гуруҳ раҳбари ҳужжатга тегишли белги қўяди.

26. Устидан текширув ўтказилаётган ходим томонидан далолотномага (ёки бошқа ҳужжатларга) имзо қўймаслик унга нисбатан тегишли жавобгарлик чорасини қўллашдан озод қилмайди.

VI. Комиссия аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

27. Комиссия раҳбари хизмат текширувининг самарадорлиги ва натижаси, шунингдек, ишчи гуруҳ аъзоларининг мазкур Регламент билан белгиланган талабларга амал қилишлари учун маъсул бўлади.

28. Хизмат текшируви ўтказиш давомида комиссия раҳбари қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

хизмат текшируви ўтказишнинг йўналишлари, амалга ошириладиган тадбирларни белгилайди, комиссия аъзолари олдида вазифалар қўяди;

хизмат текшируви ўтказилишини ташкиллаштиради ва мувофиқлаштиради;

хизмат текширувининг ушбу Регламентга мувофиқ равишда ўтказилишини назорат қилади;

суҳбат ўтказиш, тушунтириш талаб қилиб олиш зарур бўлган ходимлар рўйхатини тузади;

Хизмат текширувини ҳолис ва самарали ўтказиш учун зарур бўлган чоралар кўрилишини таъминлайди;

Ташқи ишлар вазирига хизмат текшируви натижаларининг тақдим этилишини таъминлайди.

29. Хизмат текширувини ўтказувчи комиссия аъзолари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Дипломатик хизмат органлари ходимлари билан суҳбат ўтказиш, тушунтириш хати олиш, текширув моҳияти тўғрисида маълумотга эга бўлиши мумкин бўлган учинчи шахслар, шунингдек, ташқи экспертларни уларнинг розилиги билан хизмат текшируви жараёнига таклиф қилиш;

суҳбатни ёзма шаклда ёки зарурият туғилганда тушунтириш бераётган шахснинг розилиги билан аудио- ва видеоқайд этувчи ускуналар қўллаш билан қайд этишни амалга ошириш;

Дипломатик хизмат органлари ходимларидан хизмат текширувига алоқадор бўлиши мумкин бўлган материалларни олиш;

Дипломатик хизмат органларининг мулкнинг бус-бутунлигини хатлов ва тафтишдан ўтказиш;

ўтказилаётган хизмат текшируви доирасида ўз лавозим мажбуриятларини бажариш учун фото- ва видеоқайдларни амалга ошириш.

30. Комиссия аъзолари иш давомида қуйидаги мажбуриятлари белгиланади:

ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходимнинг ҳамда хизмат текширувида иштирок этиш учун жалб қилинган бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этиши;

хизмат текшируви материалларининг бут сақланишини ва махфийлигини таъминлаши, текширув натижалари тўғрисидаги маълумотларни ошкор этмаслиги;

ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходимга унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириши; хизмат текшируви ўтказилишининг бориши ҳақида иш берувчини хабардор қилиши;

коррупциявий хатти-ҳаракатлар ва ички идоравий одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш билан боғлиқ интизомий қилмиш содир этилганлиги факти аниқланган тақдирда, ушбу интизомий қилмиш содир этилган сана ва вақтни, интизомий қилмишни содир этган ходимнинг жавобгарлиги даражаси ва хусусиятига таъсир қиладиган, унинг айбини ҳам оғирлаштирадиган, ҳам енгиллаштирадиган ҳолатларни ҳужжат билан тасдиқлаши;

ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходимнинг шахсий, касбий ва ахлоқий сифатларини тавсифловчи ҳужжатлар ва материалларни тўплаши ва атрофлича ўрганиб чиқиши;

илгари ўтказилган хизмат текшируви материалларини (агар мавжуд бўлса), шунингдек ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходим томонидан илгари содир этилган интизомий қилмиш тўғрисидаги ахборотни ўрганиши;

ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходимга текширувга бевосита алоқадор бўлган масалаларнинг моҳияти юзасидан тушунтириш беришни таклиф қилиши, у тушунтириш беришни рад этган тақдирда эса комиссия аъзолари томонидан имзоланадиган тегишли далолатнома тузиши;

ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходим томонидан коррупциявий хатти-ҳаракатлар, одоб-ахлоқ қоидалари, ички меҳнат тартиби ва бюджет-молия интизомини бузиш билан боғлиқ интизомий қилмиш содир этилганлигига гувоҳ бўлганлар хизмат текшируви жараёнида аниқланган тақдирда, улардан тушунтириш талаб қилиши;

хизмат текшируви ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилган Ташқи ишлар вазири ёки комиссия раҳбарига меҳнат мажбуриятларининг аниқланган ва бартараф этилиши талаб қилинадиган бузилишлари ҳақида дарҳол хабар бериши;

ходимнинг коррупциявий хатти-ҳаракатлар ва одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш билан боғлиқ интизомий қилмишни содир этишига имкон берган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаши ҳамда уларни бартараф этишга қаратилган чоралар юзасидан таклиф киритиш;

хизмат текшируви ўтказишнинг иш берувчи буйруғида ушбу Регламент талабларига мувофиқ белгиланган муддатига риоя этиши;

хизмат текшируви натижалари тўғрисида далолатнома тайёрланиши ва ушбу Регламентнинг 16-бандида белгиланган муддатда Ташқи ишлар вазирига тақдим этиши;

ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилган ходимни хизмат текширувини ўтказиш натижалари тўғрисидаги далолатнома билан имзо қўйдирган ҳолда таништириши, танишиш рад этилган ёки танишганлик тўғрисида имзо қўйиш рад этилган тақдирда эса комиссия аъзолари томонидан имзоланадиган тегишли далолатнома тузиши ҳамда камида икки нафар шахс томонидан имзоланиши таъминлаши.

Хизмат текширувида иштирок этаётган ходимлар зиммасига ушбу Регламент талабларига риоя этиш лозимлиги юзасидан шахсий жавобгарлик юклатилади.

Тузилган комиссиянинг зиммасида қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

31. Хизмат текширувини ўтказишга комиссия аъзолигига киритилган ходимлар юклатилган вазифаларни виждонан, ортиқча босимсиз, мустақил ва холис баҳолаш ва фикр-мулоҳазаларни тақдим этишга мажбур.

Мазкур вазифаларни сифатли ва масъулият билан бажаришга тўсқинлик қилувчи ҳолатлар юзасидан комиссия аъзоси комиссия раҳбари ёки бошқа аъзоларига вақтида етказиши шарт.

VII. Хизмат текшируви тайинланган ходимларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

32. Хизмат текшируви тайинланган ходим(лар) қуйидаги ҳуқуқларга эга:
хизмат текширувининг асоси ва предметини билишга;
хизмат текшируви мобайнида унинг ҳақ-ҳуқуқлари тушунтирилишига;
комиссия аъзоларини рад этиш тўғрисида арз қилишга. Бунда нима сабабдан рад этилаётганлигини ва бу ҳаракатларнинг асослигини тушунтириб бериши шарт. Етарли асослар тақдим этилмаган тақдирда, унинг арзи рад этилиши ва бу ҳақда ходим хабардор қилиниши;

хизмат текшируви масалалари бўйича ёзма тушунтиришлар беришга;

хизмат текшируви ўтказилиши давомида илтимосномалар беришга;

хизмат текшируви материалларига қўшиб қўйиш учун ҳужжатлар, ашёвий далиллар тақдим этишга; гувоҳларни хизмат текшируви ўтказилиши давомида кейинчалик уларни сўровдан ўтказиш учун тақдим этишга;

хизмат текшируви материаллари билан танишишга, улардан кўчирмалар, кўчирма нусхалар олишга;

хизмат текшируви натижалари ҳақидаги далолатнома билан танишишга;

комиссиянинг хулосаси ва ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан якка тартибдаги меҳнат низолари учун белгиланган тартибда шикоят қилишга.

Ходим ўз шаъни ва кадр-қимматига путур етказадиган маълумотни рад этиш учун хизмат текшируви ўтказилишини талаб қилишга ҳақлидир. Хизмат текширувини ўтказиш тўғрисидаги ариза Ташқи ишлар вазирига ёзма шаклда берилади ва у тақдим этилган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай кўриб чиқилади.

33. Ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходим ўзига берилган ҳуқуқлардан виждонан фойдаланиши, хизмат текшируви ўтказилишига монелик қилмаслиги, шу жумладан хизмат текширувида иштирок этишдан бўйин товламаслиги, ҳақиқатни аниқлашга далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, бошқа ғайриқонуний ҳаракатлар содир этиш йўли билан монелик қилмаслиги шарт.

VIII. Хизмат текширувини ўтказишга жалб қилинадиган бошқа ходимларнинг мажбуриятлари

34. Хизмат текширувини ўтказишга жалб қилинадиган Дипломатик хизмат органлари бошқа ходимлари хизмат текширувини ўтказишда тузилган комиссияга

ҳар томонлама кўмак бериши, хизмат текшируви бўйича талаб қилинган тушунтиришлар, маълумот ва ҳужжатларни тақдим этишлари, суҳбатларда иштирок этишлари шарт.

35. Хизмат текширувини ўтказишга жалб қилинаётган бошқа ходимлар уларнинг текширувда иштирок этишлари билан боғлиқ маълум бўлган маълумотларни ошкор қилиш қатъиян таъқиқланади.

IX. Хизмат текшируви натижаларини расмийлаштириш

36. Хизмат текшируви якунлари бўйича комиссия аъзолари томонидан далолатнома расмийлаштирилади.

37. Тузилган далолатномада қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши керак:

ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилган ходим тўғрисидаги (ходимнинг фамилияси, исми, отасининг исми, у бажараётган иш (эгаллаган лавозим), ушбу иш берувчидаги иш стажи, илгари содир этилган интизомий ҳуқуқбузарликлар учун интизомий жазонинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги ҳақидаги маълумотлар);

хизмат текширувини ўтказган комиссия таркиби;

хизмат текширувини ўтказиш асослари;

ходим коррупциявий хатти-ҳаракатлар ва одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш билан боғлиқ интизомий қилмиш содир этганлиги фактининг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги;

коррупциявий хатти-ҳаракатлар ва одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш билан боғлиқ интизомий қилмиш содир этилганлиги фактини тасдиқловчи ҳужжатлар;

ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилган ходимнинг тушунтиришларида кўрсатилган важлар;

ходимнинг коррупциявий хатти-ҳаракатлар ва одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш билан боғлиқ интизомий қилмиш содир этганлиги ҳолатлари ва унинг оқибатлари;

ходимнинг ўз меҳнат мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим (етарли) даражада бажармаганлиги учун унинг айбдорлигини тасдиқловчи ёки истисно этувчи материаллар;

коррупциявий хатти-ҳаракатлар ва одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш билан боғлиқ интизомий қилмиш содир этилганлиги натижасида ходим томонидан иш берувчига етказилган зарарнинг хусусияти ва тахминий миқдори (агар шундай зарар мавжуд бўлса);

Дипломатик хизмат органлари обрў-эътибори ва шаънига путур етказилган хатти-ҳаракатлар баҳоси.

38. Хизмат текшируви натижалари тўғрисидаги далолатноманинг якунловчи қисмида хизмат текшируви натижасида комиссия келган хулосалар шакллантирилган бўлиши керак.

Ходим томонидан коррупциявий хатти-ҳаракатлар ва одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш билан боғлиқ интизомий қилмиш содир этилганлиги факти тасдиқланган тақдирда, хизмат текшируви натижалари ҳақидаги далолатномада ходимни интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисида, ходим иш берувчига ҳақиқатдан тўғридан-тўғри зарар етказганлиги факти аниқланган тақдирда эса

моддий жавобгарликка ҳам тортиш ҳақида иш берувчига йўлланган таклифлар, шунингдек меҳнат интизомини кучайтиришга, ходимлар томонидан интизомий қилмиш содир этишга имкон берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга қаратилган, профилактика хусусиятига эга бўлган тавсиялар мавжуд бўлиши керак.

39. Агар хизмат текширувини ўтказиш натижасида ходимнинг коррупциявий хатти-ҳаракатлар ва одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш билан боғлиқ интизомий қилмиш содир этганлиги фактининг мавжуд эмаслиги ёхуд ходимнинг ўз меҳнат мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун айби йўқ эканлиги аниқланса, хизмат текширувининг натижалари тўғрисидаги далолатноманинг яқунловчи қисмида ходимга нисбатан асоссиз шубҳаланиш учун имкон берган сабаблар ёхуд ходимнинг ўз меҳнат мажбуриятларини бажаришига монелик қилаётган ҳақиқий сабаблар кўрсатилиши керак.

40. Агар комиссия хизмат текширувини ўтказиш учун ходимнинг шаънига, кадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи нотўғри маълумотлар асос бўлганлигини аниқласа, хизмат текшируви натижалари тўғрисидаги далолатноманинг яқунловчи қисмида ушбу маълумотларни рад этиш ҳақидаги тавсиялар бўлиши керак.

41. Хизмат текшируви натижалари тўғрисидаги далолатнома комиссия раиси ва унинг барча аъзолари томонидан имзоланади, шунингдек хизмат текшируви тайинланган ходим далолатнома билан таништирилади ва имзоланади ҳамда комиссия тўплаган бошқа материаллар билан бирга иш берувчига уч иш кунидан кечиктирмай топширилиши керак.

42. Хизмат текшируви натижалари тўғрисидаги далолатнома тегишли хулосани қабул қилиш учун овоз берган комиссия аъзолари томонидан имзоланади. Далолатнома ёки унинг алоҳида бандларидан норози бўлган, ишчи гуруҳ аъзоси, шунингдек устидан Хизмат текшируви ўтказилаётган шахс ёзма равишда расмийлаштирилган ва ишга бириктирилган ҳолда алоҳида фикрда эканлигини билдирадиган белги билан маълумотномага имзо қўйиши мумкин.

43. Устидан хизмат текшируви ўтказилаётган шахс хулосага имзо қўйишдан бош тортган ҳолларда далолатнома расмийлаштирилади. Ушбу далолотномага ишчи гуруҳ аъзоларидан ташқари, хизмат текшируви натижаларидан манфаатдор бўлмаган камида икки нафар шахс имзо қўйиши лозим.

44. Далолатнома асосида хизмат текширувчи натижалари юзасидан қуйидаги қарорлар қабул қилиниши мумкин:

ҳуқуқбузарлик (қоидабузарлик) ҳолати тасдиқланмаганлиги сабабли чора кўрмаслик;

сабабларини кўрсатган ҳолда хизмат текшируви материалларини қўшимча ишлаш учун қайтариш;

манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда айбдор ходимни жавобгарликка тортиш;

келгусида шу каби қоидабузарликлар содир бўлишининг олдини олиш бўйича тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

ходимнинг хатти-ҳаракатларида амалдаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқбузарлик ёки жиноят аломатлари тасдиқланган ҳолларда, тегишли материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларига тақдим этиш.

45. Хизмат текшируви ўтказилишига сабаб бўлган маълумот ҳақида хабар берган шахслар қоидабузарлик тасдиқлангани ёки тасдиқланмагани, шунингдек қўрилган чоралар ҳақида умумий тарзда хабардор қилинади.

XI. Хизмат текширувига оид ҳужжатларни сақлаш ва улардан фойдаланиш

46. Хизмат текшируви якунлари тўғрисидаги далолатнома комплаенс назорати, кадрлар сиёсати ва ички хавфсизлик учун масъул таркибий бўлинмаларга тақдим этилади.

47. Ўтказилган хизмат текшируви доирасидаги маълумотлардан кейинчалик ишда фойдаланиш ҳуқуқига фақат Дипломатик хизмат органи раҳбари, вазир ўринбосари (вазир рухсати билан), ушбу ҳолатни ўрганиш мақсадида тузилган комиссия аъзолари, бўйсунувдаги ташкилотлар раҳбарлари ва ваколатли масъул шахслари (ташкилотлардаги ҳолатни ўрганиш бўйича ишга жалб этилган шахслар).

48. Ўз лавозим вазифаларини бажариш учун ўтказилган хизмат текширувлари ҳақидаги ахборотдан фойдаланиши зарур бўлган раҳбар ходимлар ушбу маълумотлардан фойдаланиши мақсадида кадрлар, ички хавфсизлик ва комплаенс назорати учун масъул бўлган таркибий бўлинмалар билан келишилган ҳолда Ташқи ишлар вазири (ёки тегишли ваколат расмийлаштирилган бўлса - унинг биринчи ўринбосари)нинг рухсати олинishi лозим.

49. Хизмат текширувига оид материаллар Ташқи ишлар вазирининг қароридан сўнг комиссия раҳбари томонидан алоҳида йиғмажилдга рақамланган ва тикилган ҳолда тегишлилигича комплаенс назорати, ички хавфсизлик ёки кадрлар бўлинмаларига топширилади.

50. Дипломатик хизмат органларидаги комплаенс назорати ва кадрлар сиёсати учун масъул таркибий бўлинмалар мазкур Регламентга **2-иловага** мувофиқ шаклда хизмат текширувлари электрон реестри юритилишини таъминлайди.

Бўйсунувдаги ташкилотлар томонидан мустақил равишда ўтказилган хизмат текширувлари электрон реестри ҳудди шу шаклда комплаенс назорати ёки кадрлар бўлинмалари томонидан юритилади ва бир йилда бир маротаба Ташқи ишлар вазирлигининг тегишлилигича масъул бўлинмаларига тақдим этиб борилади.

51. Хизмат текширувига оид барча ҳужжатлар, агар бошқача тартиб Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилмаган бўлса, тасдиқланган вақтдан бошлаб 5 (беш) йил давомида сақланиши лозим.

52. Мазкур Регламентдан келиб чиқадиган вазифа ва мажбуриятларни бажаришда Дипломатик хизмат органларида меҳнат қилаётган мансабдор шахс эгаллаб турган лавозимидан қатъий назар давлат сири, хизмат доирасидаги ва шахсга доир маълумотлар билан ишлаш бўйича қонунчилик талабларига қатъий равишда риоя этиши шарт.

Мазкур Регламент талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

Комплаенс назорати хизмати

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги
марказий аппарати ва ҳудудий бўлинмалари,
бўйсунувдаги ташкилотлари фаолиятини белгиловчи
тартиб-қоидаларни бузиш ҳолатлари устидан хизмат
текширувларини ўтказиш бўйича Регламентга
1-илова

ДАЛОЛАТНОМА

«__» _____ 20__ й.

Биз, қуйида имзо қўювчилар

(ФИШ, лавозими)

(ФИШ, лавозими)

(ФИШ, лавозими)

Ходим _____ (ФИШ, лавозими)

20__ йилнинг «__» _____ да

_____, да
н иборат бўлган қоидабузарлик содир этилганлиги тўғрисида ёзма тушунтириш бериш таклиф этилган
бўлиб, у ёзма тушунтириш беришни рад этгани тўғрисида ушбу далолатномани туздик.

Ёзма тушунтириш беришни рад этганлиги сабабларини ходим (ФИШ, лавозими) қуйидагилар
билан изоҳлади

(тушунтириш беришни рад этганлик сабаблари эркин шаклда баён этилсин).

Далолатнома тузган шахслар имзоси:

(имзо)

(ФИШ)

(имзо)

(ФИШ)

(имзо)

(ФИШ)

Далолатнома билан танишдим*: (ФИШ, лавозим, сана, имзо) _____

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги
марказий аппарати ва ҳудудий бўлинмалари,
бўйсунувдаги ташкилотлари фаолиятини белгиловчи
тартиб-қоидаларни бузиш ҳолатлари устидан хизмат
текширувларини ўтказиш бўйича Регламентга
2-илова

Хизмат текширувлари электрон реестри

Т/р	Хизмат текшируви ўтказиш тўғрисидаги буйруқ рақами ва санаси	ўтказилган хизмат текшируви натижалари тўғрисидаги маълумотнома рақами ва санаси	Хизмат текшируви ўтказиш даври	Ишчи гуруҳ таркиби	Қоидабузарлик тўғрисидаги ахборот келиб тушган манба	Хизмат текшируви ўтказиш йўналишларининг қисқача таърифи	Текширув натижаларининг қисқача таърифи	Аниқланган айбдор шахслар рўйхати	Текширув натижалари бўйича тасдиқланган чоралар	Муддатлар ва ижро учун маъсул	Амалда бажарилганлик тўғрисидаги ахборот
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
1											
2											
3											
4											
5											
...											